

ЭҲСОН ТУШУНЧАСИ БАЁНИ

ПОНЯТИЕ ОБ ЭХСАНЕ

THE CONCEPT OF CHARITY

Mahammadsidiq A. USMANOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Director of the treasure house of the manuscripts.

mahammadsidiquzman@gmail.com

II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/PAU/2023/4/3

Аннотация. Ушбу мақолада ислом динида мадҳ этилган гўзал хулқлардан бири “Эҳсон” тушунчаси хусусида сўз юритилиб, унинг лугавий маъноси кўплаб машхур лугатишунослар асарларидаги намуналар орқали баён этилади. «Эҳсон» сўзининг истилоҳий маъноси энг ишончли манбалар асосида ёритиб берилган. Бундан ташқари, эҳсон диннинг энг олий мартаба ва даражалардан бири саналиши; имоннинг мағзи, камоли, руҳи эканлиги; барча гўзал хулқлар ва юксак даражалар ўз кучини эҳсондан олиши ҳақида сўз юритилган. Айниқса, унинг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни нақадар муҳим эканлиги мўътамад (ишончли, асл) манбалар асосида ёритилган.

Ислом динининг асосий манбаси бўлмиш Қуръони каримда эҳсон мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Қуръонда нафақат ақидавий, тарихий ва фикҳий масалалар, балки одоб-ахлоқ мавзулари ҳам ўрин олган. Шунингдек, бу мақолада Қуръон оятларида ва муфассирларнинг шарҳларида келган эҳсон ва унга боғлиқ баъзи одоб-ахлоқ масалалари ёритилади. Эҳсон ҳақидаги қуръоний оятларни шарҳлашда ислом оламида машхур муфассир ва муҳаддис уламолар, шу билан бир қаторда, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий каби юртимиздан етишиб чиққан алломалар меросида кенг ўрин олганлиги баён қилинди. Шу билан бирга, инсон зоҳирини ҳам, ботинини ҳам тузатиши лозимлиги, ташқи кўриниш ички оламга мувофиқ бўлмаса, ситрки кўринишлар инсонларни алдаб қўйиши ва хунук ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши: ишончни суъистеъмол қилиш ва омонатга хиёнат каби салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги, тинчликни ҳимоя қилиш, ер юзини обод қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш ҳам эҳсонданлиги, Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш, бойликни Унинг розилигини топиш учун сарфлаш ҳам эҳсоннинг энг кўзга кўринган соҳаларидан бири саналиши, эҳсонга олиб борадиган яна бир йўл – бу қурбонлик эканлиги, тавҳид ва тақво эҳсоннинг муҳим шартларидан саналиши, газаб ва ғойз орасидаги фарқлар, имоннинг ярмини шуқр ташиқил

қилса, қолган ярми сабрдан иборатлиги, ихлос эҳсоннинг энг муҳим соҳаси ҳисобланиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эҳсон, ҳусн, муҳсин, муруқаба, мушоҳада, басират, Имом Мотуридий, Ибн Ҳожар Асқалоний, Абу Лайс Самарқандий, қурбонлик, ихлос, ғойз.

Аннотация. В этой статье говорится об «эхсане», одном из прекрасных качеств, восхваляемых в религии ислам, словарное значение данного слова объясняется на примерах из работ многих известных лексикографов. Этимологическое значение слова «эхсан» поясняется на основе наиболее достоверных источников. Кроме того, благотворительность считается одним из высших чинов и степеней религии; что это суть, совершенство, душа веры; Говорят, что все хорошие качества и высокие степени черпают свою силу из милосердия. В частности, на основании достоверных источников подчеркнута важность роли милосердия в нашей духовной жизни. В Коране, который является основным источником ислама, теме благотворительности уделяется особое внимание. В конце концов, Коран содержит не только доктринальные, исторические и юридические вопросы, но и моральные вопросы. Также в данной статье будут освещены некоторые этические вопросы, связанные с благотворительностью и связанными с ней аятами Корана и комментарии комментаторов. Комментируя аяты Корана о благотворительности, было отмечено, что большое место в наследии учёных, выходцев из нашей страны, заняли известные в исламском мире толкователи и учёные-мухаддисы, а также имам Матуриди, Абу Лайс Самарканди. При этом необходимо корректировать как внешнее, так и внутреннее состояние человека, если внешний облик не соответствует внутреннему миру, то внешний вид может обманывать людей и вызывать некрасивые ситуации: злоупотребление доверием и предательство со стороны других. доверие и негативные последствия, такие как защита мира, что улучшение земли и защита природы также являются благотворительностью, трата на пути Бога, трата богатства, чтобы снискать Его удовольствие, считается одной из самых выдающихся областей благотворительности, что еще один способ благотворительность есть жертвенность, что единобожие и благочестие являются важными условиями благотворительности, а терпение — другая половина, искренность считается важнейшей областью милосердия, подчеркивались различия между гневом и счастьем.

Ключевые слова: благодеяние, красота, прелесть, наблюдение, созерцание, разум, сознательность, пронизательность, Имам Матуриди, Ибн Хажар Асқалоний, жертвоприношение, преданность, искренность Абу Лайс Самарканди, гнев, ярость.

Abstract. This article gives information about the concept of “Ehsan”-charity, one of the beautiful qualities praised in Islam, and its dictionary meaning is explained through examples from the works of many famous lexicographers. The

ТАҲЛИЛ

etymological meaning of the word «Ehsan» is explained on the basis of the most reliable sources. In addition, charity is considered one of the highest ranks and degrees of religion; that it is the essence, perfection, soul of faith; it is said that all good qualities and high degrees derive their strength from charity. In particular, the importance of its role in our spiritual life has been highlighted on the basis of reliable sources.

In the Qur'an, which is the main source of Islam, special attention is paid to the topic of charity. After all, the Qur'an contains not only doctrinal, historical and jurisprudential issues, but also moral issues. Also, this article will cover some of the ethical issues related to charity in the verses of the Qur'an and the commentaries of the reviewers. Commenting on the Qur'anic verses about charity, it was stated that famous commentators and hadith collectors in the Islamic world, as well as Imam Moturidi, Abu Lais Samarkandi, have a large place in the heritage of scholars who came from our country. At the same time, it is necessary to reform both the outside and the inside of a person, if the outside appearance is not in accordance with the inner world, then the appearance can deceive people and cause ugly situations: the possibility of negative consequences such as breach of trust and betrayal of trust; protection of peace, improvement of the earth and protection of nature is also a charity; spending for the sake of Allah, spending wealth to find His pleasure is considered one of the most prominent areas of charity; sacrifice is also another way to charity; tawheed and piety are important components of charity; the differences between anger and happiness; that half of faith is gratitude, the other half consists of patience; and sincerity is the most important field of charity. The abovementioned factors were analyzed in the article.

Keywords: ehsan, muhsin, muroqaba, mushahada, basirat, Imam Moturidi, Ibn Hajar Asqalani, Abu Lais Samarkandi, sacrifice, ikhlas, ghoiz.

КИРИШ

Аллоҳ таоло бандаларни яратишидан ҳикмати ўзига ибодат қилишларни ирода қилди, у бу хоҳишини шариатда тайин қилинган нафақат баданий ва зоҳирий ибодатларга, балки қалбий ва ботиний ёки маънавий покликка каби ибодатларга ҳам буюрди. Банданинг қалб кечинмалари ва ботиний ҳиссиётларини эҳсон муолажа қилади. Шу боис эҳсон ислом динининг мағзи саналади. Зеро, охиратдаги нажот фақат соғлом қалб эгаларига насиб этади: **“У кунда на мол-дунё ва на фарзандлар фойда бермас, Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)”** (“Шуаро” сураси, 88-89-оятлар). Шунинг учун таваккул қилиш, Аллоҳнинг раҳмат ва азоби ҳақида тафаккур қилиш, Ундан кўрқиш ва ризо каби қалб ҳолатларини ўрганиш ҳам ҳар бир мусулмон учун фарз саналади. Чунки мазкур қалб ҳолатлари ҳар бир замон ва маконда мавжуддир (*Usmon Pozoriy, -:14*).

Аллоҳ инсонларни ибодат қилиш билан бир қаторда қай бирлари кўпроқ эҳсон қилишини, яъни (*чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни*) аниқлаш учун яратган. Бу ҳақда Куръони каримда шундай дейилади: **“(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал (яъни эҳсон) қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У Азиз (қудратли) ва Ғафур (кечиримли)дир”** (“Мулк” сураси, 2-оят). Ўлим ва ҳаётнинг яратилишидан кўзланган асосий мақсад, инсонлар одасидан юкорида зикр қилинган вужудга келишлари сабаби бўлган илоҳий иродани муҳсин ёки муҳсин бўлмаган ҳолларда бажаришларини ажратиб олишлиқдир.

Инсон ўлимдан кўрқади ва ҳаётга рағбат қилади, яъни интилади. Абдий ҳаёт банданинг азалий орзуси. Бу эса фақат жаннат аҳлига насиб этади. Ўлим эса инсон энг кўп кўрқадиган нарсадир. Шу боис инсонда доимий равишда кўрқинч ва рағбат ҳисси бўлади. Имом Мотуридий (а.р.)нинг таъкидлашича, кимнинг ҳаётга бўлган рағбати ва ўлимга бўлган кўрқинчи гўзал, яъни эҳсон талабларига мувофиқ бўлса, унинг амали ҳам гўзал бўлади. Кимнинг кўрқинчи ва рағбати ёмон бўлса, яъни эҳсон қоидаларига зид бўлса, унинг амали ҳам ёмон бўлади. Аллоҳ ҳаёт ва ўлимни инсон тафаккур қилиб ибрат олиши учун яратган. Ким улардан ибрат олса, муҳсинлардан бўлади. Ким тафаккур қилиб ибрат олмаса, муҳсинлар қаторига кира олмайди. Дарҳақиқат, Аллоҳ инсонларнинг қайси бири муҳсин, яъни итоатгўйроқ ва Аллоҳнинг ризосини талаб қилишда чаққонроқ эканини имтиҳон қилиш учун ҳаёт ва ўлимни яратган.

Расулulloҳ (с.а.в.): “Аллоҳ таоло сизларнинг жасад ва суратларингизга қарамайди. Балки У сизларнинг қалбларингизга қарайди”, деб бармоқлари билан кўксиларига ишора қилганлар. Бошқа ҳадисда “Қалбларингиз ва амалларингизга қарайди”, дейилган (*Muslim ibn Hajjoj, 2005:1174*). Мазкур ҳадислар ҳам эҳсоннинг аҳамиятини нақадар муҳим эканини баён қилади.

“Эҳсон” сўзи арабча бўлиб, “фойда етказиш”, “яхшилик қилиш”, “бирор ишни мукаммал бажариш” маъноларини англатади (*Ibn Hajar Asqalaniy, 2000:159*).

Араб луғатшуносларидан бири Ибн Манзур (а.р.) шундай ёзади: “Эҳсон “хусн” (гўзал, чиройли) ўзагидан олинган. “Хусн” хунукнинг акси демакдир. “Эҳсон” эса “ёмонлик қилиш”нинг аксидир. Эҳсон деганда ихлос ирода қилинади. Имоннинг мукаммал бўлишида эҳсон катта аҳамият касб этади. Зеро,

имон келтириб, ихлоссиз амал қилган одам муҳсин ҳисобланмайди. Бундай кимсанинг имони дуруст бўлса-да, мукаммал бўлмайди. Баъзи олимларнинг айтишича, эҳсон муроқаба (Аллоҳ ҳамма нарсани кузатиб туришини ёдда сақлаш ва эътиқоди тақозосига мувофиқ яшаши) ва ибодатларни гўзал тарзда адо этиш демакдир. Зеро, Аллоҳнинг ҳамма нарсадан воқиф эканини идрок қилган одамнинг амаллари пухта ва гўзал бўлади” (*Ibn Manzur, 1997:85-86*).

Яна бир луғатшунос олим Ферузободий (а.р.) шундай таъриф беради: “Эҳсон “ёмонлик қилиш”нинг аксидир. “Ҳасана” (яхшилиқ, савоб) “саййиа” (ёмонлик, гуноҳ)нинг зиддидир” (*Majduddin Feruzobodiy, 2009:1199*).

Имом Қуртубий (а.р.) шундай деган: “Эҳсон”нинг икки маъноси мавжуд. Бири кўшимчасиз қўлланилиб, “бирор ишни гўзал тарзда амалга ошириш, мукаммал бажариш” маъноларини беради. Иккинчиси “إحسان” (“-га”) кўшимчаси билан бирга қўлланилади ва “яхшилиқ қилиш, фойда етказиш” маъноларини билдиради (*Abu Abdulloh Qurtubiy, 2002:514*).

Роғиб Асфаҳоний (а.р.) шундай деган: “Эҳсон икки маънода қўлланилади. Бири ўзгаларга инъом қилиш, иккинчиси эса ўз ишини гўзал тарзда бажаришдир. Али (р.а.)нинг қуйидаги ҳикматили сўзи ҳам шу маънода айtilган: “Инсонлар қилган эҳсонларининг фарзандларидир”, яъни инсонларга билими ва пухта бажарган ишларига қараб баҳо берилади” (*Alloma Rog'ib Asfahoni, 2002:236*).

Эҳсоннинг иккита фойдаси бор. Зеро, эҳсон нафақат ўзгаларга яхшилиқ қилиш, балки инсон ўз ҳолатини ислоҳ қилишда ҳам акс этади. Шуларни эътиборга олган Ибн Мусо ал-Ҳусайний (а.р.) эҳсонга шундай таъриф беради: “Эҳсон бировга фойда келтирадиган ишни қилишдир. Бунда ўша одамнинг ҳолати яхши томонга ўзгаради. Масалан, очни тўйдириш каби. Ёки эҳсон қилган одам ўзи яхши инсонга айланади” (*Abul Baqo Ya'qub ibn Muso Husayni, 1993:53*).

Марвон Афанди Насрун мазкур таърифлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилади: “Эҳсон ўзгага фойда келтириш мақсадида қилинган иш бўлиб, у эҳсон қилинган одамнинг ҳолатини яхши томонга ўзгартиради” (*Marvon Afandi, 2007:7*).

Эҳсоннинг истилоҳий маъноси борасида олимлар турли фикрларни билдирганлар.

Расулulloҳ (с.а.в.) ва Жаброил (а.с.) орасида бўлиб ўтган суҳбатда эҳсонга У зот (с.а.в.) шундай таъриф берадилар: **“Эҳсон Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб турганидек ибодат қилишингдир!”** (*Ibn Hajar Asqaloni, 2000:152-153*) Инсон бу дунёда ҳеч қачон

Аллоҳ таолони кўра олмайди, аммо Аллоҳ таоло ҳақидаги маърифати билан Уни кўриб тургандек ҳолатга туша олади. Бу ҳолат бандаларнинг Аллоҳ ҳузуридаги энг юқори мақомларидан бири саналади. Ундан кейинги мақом эса, банда Аллоҳ таоло томонидан доим кузатилиб туришини ангалган ҳолда ҳаёт кечиришидир.

Имом Нававий (а.р.) мазкур ҳадисни шарҳлар экан, эҳсонга шундай таъриф беради: “(Ҳадисда келган эҳсон ҳақидаги жумла)нинг мақсади ибодатда ихлосли бўлишга тарғиб қилиш ва банда Аллоҳнинг кузутиб туришини камоли хушув ва хузув билан доим ёдда сақлаши ҳамда бошқа шу каби маъноларни англатади” (*Muhyiddin Navavi, 2005:112*).

Ислом таълимотларига кўра, инсон нафақат кўзи билан, балки қалби орқали ҳам кўра олади. Қалб кўзи ислом дини таълимотларида “басират”, кўз эса “басар” деб аталади. Басират қалбнинг нури, басар кўз нуридир. Эҳсонда қалб кўзи катта аҳамият касб этади. Инсон қалбан Аллоҳни ҳис қилсагина, эҳсон даражасига кўтарила олади. Ибн Ҳажар Асқалоний (а.р.)нинг эҳсонга берган қуйидаги таърифида шу маъноларни қасд этган: “Эҳсондан мурод ибодатни пухта қилишдир. Ибодатда эҳсон қилиш уни ихлос ва хушув билан адо этиш, фикру ҳаёлни фақат ибодатга машғул қилиш, Аллоҳни қалб билан худди кўриб тургандек мушоҳада қилиш ва Аллоҳ уни ва қилаётган амалларини доим кузатиб туришини ёдда сақлашда намоён бўлади. Бу икки ҳолат Аллоҳни таниш ва Унга хушув қилишнинг самарасидир” (*Hofiz Shayx Abdulavval, 1915:33; Ibn Hajar Asqaloni, 2000:159*).

Инсон зоҳирини ҳам, ботинини ҳам тузатиши лозим. Ташқи кўриниш ички оламга мувофиқ бўлмаса, ситрки кўринишлар инсонларни алдаб кўяди ва хунук ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади: ишончни суъиистеъмом қилиш ва омонатга хиёнат каби салбий оқибатлар келиб чиқади. Жалолиддин Румий (а.р.)нинг “Аслинг каби кўрин ёки кўринганинг каби бўл!” деган ҳикматли сўзларида ҳам шу маънолар назарда тутилган.

Инсон нафақат ташқи, балки ички дунёсини ҳам ислоҳ қилиши ҳам аслида эҳсоннинг бир кўриниши саналади. Зеро, Ҳофиз Ҳакамий (а.р.) эҳсонни шундай таърифлайди: “Эҳсон – ташқи ва ички дунёни яхшилаш. У диннинг энг олий ва энг хатарли (эҳсонга эътиборсизлик билан қараш инсон учун энг хатарли ҳолат саналади) мартабаларидан бири саналади” (*Doktor Musfir ibn Sa'id G'omidiy, - :352-353*).

Улуғ муфассирлар ҳам эҳсон ҳақида бир қанча таърифлар беришган. Имом Мотуридий (а.р.) шундай таърифлайди: “Эҳсон яхши ишни бажариш,

яъни Аллоҳга шукр қилиш ва Унинг буйруқларини гўзал тарзда қабул қилишни англатади” (*Abu Mansur Moturidiy, 2004:19*).

Ҳасан Басрий (а.р.) эҳсонга шундай таъриф берган: “Эҳсон ёмонлик қилганга яхшилик қилишдир” (*Abul Barakot Abdulloh Nasafiy, 2005:293*).

Имом Куртубий (а.р.) шундай тафсир қилади: “Эҳсон ибодатни пухта қилиш, уни тўғри адо қилишга астойдил ҳаракат қилиш, Аллоҳнинг кузатиб туришини доим ҳис қилиш, ибодатга киришиш ва унда бардавом бўлиш ҳолатларида Аллоҳнинг улуғлиги ҳамда буюклигини доим ёдда тутишдир.

Фахруддин Розий (а.р.) шундай ёзади: “Эҳсон тоат-ибодатларни адо қилишда сон жиҳатдан ҳам, кайфият (сифат) жиҳатдан ҳам муболага қилишдир. Ибодатларда адолат қилиш фарзларни бажаришда намоён бўлади. Фарзларни ортиғи билан бажариш ҳам ибодат саналади ва бу эҳсон деб аталади. Хулоса қилиб айтганда, тоат-ибодатларни адо қилишда сон жиҳатдан ҳам, кайфият (сифат) жиҳатдан ҳам муболага қилиш, яъни маромига етказиш эҳсондир” (*Faxruddin Roziy, 2000:83*).

Исомуддин Исмоил Ҳанафий (а.р.) шундай ёзади: “Эҳсоннинг икки хил маъноси бор. Бири амални гўзал тарзда бажариш, иккинчиси ёмонлик қилишнинг аксини англатади” (*Isomuddin Ismoil Hanafiy, 2001:425*).

Ибн Ошур (а.р.) шундай дейди: “Эҳсон – инсон ўз вазифаси бўлмаса-да, ўзгаларга гўзал муомала қилишдир. Ҳасан (яхшилик) – муомала вақтида бошқаларга ёқимли бўладиган ишдир ва яхшилик қилган одам бу ёқимли ишни ўз ихтиёри билан, бировнинг қистовисиз амалга оширади” (*Shayx Muhammad Tohir Ibn Ashuro, 2000:205*).

Аллоҳ эҳсон тушунчасини инсонлар онгига сингдириш учун Қуръони каримнинг кўплаб оятларида “эҳсон”, “муҳсин” ва шу каби эзгуликка чорловчи ғояларни зикр қилди. Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам ўз ҳадиси шарифларида эҳсон тушунчасининг шахс ва жамият ривожига беқиёс ўрин тутишини гўзал услублар билан изоҳлаб бердилар. Бунинг натижаси тез орада сезила бошлади. Инсонларда, хусусан, мусулмонларда эҳсон, гўзал ахлоқ, намунали одоб ва бошқа шу каби яхши хислатлар пайдо бўла бошлади. Ислом олами кенгайиб, мусулмонлар сони ортиб борди. Ҳозирда дунёнинг ҳар бир чеккасига ислом дини уруш ва жанглрсиз кириб борган. Шубҳасиз, бу эҳсоннинг самараси!

Эҳсон ҳақида энг тўғри жавоб ва таъриф, шак-шубҳасиз, бу Пайғамбар (с.а.в.)нинг фаришта Жаброил (а.с.) билан савол-жавобларида акс этган. Яъни, эҳсон банданинг Аллоҳга, Унинг барча

исм-сифатларига бўлган имонига асосан қадам ташлашидир. Зеро, Аллоҳнинг кўриб, эшитиб ва ҳар бир нарсани тўлиқ билиб туришига амин бўлган инсон ўзининг барча ҳатти-ҳаракатларини аввало мазкур қудратли Зот розилигига мувофиқ амалга оширади.

Дарҳақиқат, эҳсон диннинг энг олий мартаба ва даражалардан бири саналади. Эҳсон имоннинг мағзи, камоли ва руҳидир! Барча гўзал хулқлар ва юксак даражалар ўз кучини эҳсондан олади. Нафси поклаш, ички дунёни ислоҳ қилиш ва қалбни нурга тўлдириш эҳсонсиз амалга ошмайди. Эҳсон билан оддий амаллар улуғ ибодатларга, мубоҳ ишлар савобли амалларга айланади. Эҳсоннинг мукамаллиги ва пухталигига қараб савоб ҳам ортиб боради. Эҳсон бандаликнинг энг юксак даражаларидан бўлиб, ниятни турли ножўя ҳаёллардан тозалашга ёрдам беради.

НАТИЖАЛАР

Аллоҳ таоло ҳар бир амални эҳсон билан бажаришга буюрган: **“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур”** (“Наҳл” сураси, 90-оят). Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам ўз умматларини эҳсонга буюрганлар: **“Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани эҳсон билан бажаришга буюрган”** (*Muslim ibn Hajjoj, 1998:291*).

Эҳсоннинг энг улуғи, шубҳасиз, эътиқодда тўғри йўлни танлашда ўз ифодасини топади. Зеро, имон ва тўғри эътиқод эҳсоннинг самара беришида асосий шарт ҳисобланади. Тўғри ақидада бўлиш, бузғунчи эътиқодлардан узоқ туриш, мўътадил ақида бўлмиш Аҳли сунна вал жамоа эътиқодини маҳкам ушлаш эҳсоннинг энг асосий устунларидан бири, десак муболага бўлмайди. Чунки барча амаллар: хоҳ дунёвий, хоҳ диний бўлсин, эътиқоддан куч олади.

Шунингдек, мусулмонлар ота-она, яқин қариндош ва бошқа таниш-нотаниш инсонлар билан яхши муносабатда бўлишга, бир сўз билан айтганда уларга эҳсон қилишга буюрилган: **“Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик (эҳсон) қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мактанчоқ кишиларни севмайди”** (“Нисо” сураси, 36-оят).

Тинчликни ҳимоя қилиш, ер юзини обод

килиш ва табиатни муҳофаза қилиш ҳам эҳсондир: **“Ерни (Аллоҳ хайрли ишларга) яроқли қилиб қўйгандан кейин (унда) бузғунчилик қилмангиз! Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчилар (муҳсинлар)га яқиндир”** (“Аъроф” сураси, 56-оят).

Эҳсон ёмонликка яхшилик билан жавоб кайтаришдир: **“Сиз (улар қилаётган) ёмонликни гўзал (сўзлар, яъни эҳсон) билан даф этинг! Бизулар сифатлаётган нарсани яхши билувчидирмиз”** (“Муминун” сураси, 96-оят).

Бир сўз билан айтганда мусулмон амалга оширадиган ҳар бир эзгу иш эҳсон ҳисобланади. Сахийлик, яхши кўрган нарсасини бошқалар билан баҳам кўриш, хато ва камчиликларни кечириш, ғазабни ичга ютиш, инсонларга очик юз билан қараш, табассум қилиш, сўз ва муомалада қўполлик қилмаслик, оила ва фарзандларга гўзал таълим бериш, қўшни билан яхши муносабатда бўлиш, мухтожларга кўмаклашиш, беморларни зиёрат қилиш, раҳбарга итоат қилиш, қўл остидагиларни адолат билан бошқариш, илм ўрганиш, таълим бериш, ибодатларни ихлос билан бажариш, сўз, амал, бойлик ва мансаб билан халққа манфаат етказиш ва бошқа шу каби кўплаб хулқ, одоб ва хусусиятлар эҳсоннинг соҳалари ҳисобланади.

Ислом динининг асосий манбаси бўлмиш Қуръони каримда эҳсон мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Қуръонда нафақат ақидавий, тарихий ва фикҳий масалалар, балки одоб-ахлоқ мавзулари ҳам ўрин олган. Қуйида Қуръон оятларида ва муфассирларнинг шарҳларида келган эҳсон ва унга боғлиқ баъзи одоб-ахлоқ масалалари ёритилади. Эҳсон ҳақидаги қуръоний оятларни шарҳлашда юртимиз алломаларидан Абу Мансур Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий ва Абул Баракот Насафий (а.р.)ларнинг тафсирга доир асарларидан истифода этилди.

Тақво энг улуғ ибодатлардан бири саналади. Агар у эҳсон билан бирлаштирилса, савоби янада ортади: **“Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун – агар ширкдан сақланиб, имонда ва савобли ишларда давом этсалар, сўнгра (май ва қимордан) сақланиб, (ҳаромни ҳаром деб) имон келтирсалар, сўнгра (барча ҳаром ва шубҳалардан) сақланиб, (одамларга) эзгулик қилсалар олдин еб-ичган (ҳаром) нарсаларида гуноҳ йўқдир. Аллоҳ эзгулик (эҳсон) қилувчиларни севади”** (“Моида” сураси, 93-оят).

Мазкур оятда тақво уч марта такрорланганини кўриш мумкин. Биринчи марта имон ва амали солиҳ билан бирга келган бўлиб, ширкдан сақланиш маъносида қўлланилган. Иккинчи мартасида имон

билан бирга зикр қилинган ва гуноҳлардан тийилиш маъносида келган. Ниҳоят учинчи мартасида эҳсон билан бирга тақворлаган. Сўнг Аллоҳ таоло бу сифатларни ўзида мужассам қилганларни яхши кўришини эълон қилган! Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлган бу кимсалар оятда “муҳсинлар”, яъни эҳсон қилувчилар деб аталган! (*Abu Lays Samarqandiy, 2006:457-458*)

Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш, бойликни Унинг розилигини топиш учун сарфлаш ҳам эҳсоннинг энг кўзга кўринган соҳаларидан бири саналади. Аллоҳ инфоқ-эҳсон қилувчиларни севишини шундай ифодалайди: **“Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради”** (“Бақара” сураси, 195-оят). Имом Мотуридий (а.р.) мазкур оятни шундай шарҳлайди: “Оятдаги “инфоқ қилинлар” жумласи турли маъноларни англатади. Шулардан бири “Бойлигингиз камайиб қолишидан қўриқиб, инфоқ қилиш ҳақида ёмон гумонга борманглар. Зеро, Аллоҳ инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини тўлдириб қўяди”, деган маънода қўлланилади. Мазкур оятнинг яна бир маъноси “Дўстларингизга инфоқ қилиш билан ёрдам қўлини чўзинглар. Уларни чорасиз ҳолга ташлаб, ҳалокатга улоқтирманглар”, демакдир.

Аллоҳ таоло бошқа бир оятда шундай деган: **“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”** (“Оли Имрон” сураси, 134-оят). Муҳсинлар нафақат тўкин-сочин кунларда, балки қийналган, тижоратидан зарар кўрган ва шу каби вазиятларда ҳам инфоқ қилишни тўхтатмайдилар.

Эҳсон нафақат мусулмонлар бир-бирларини, балки ўзга дин вакиллари афв этишга ундайди. Жумладан, Аллоҳ таоло Расулulloҳ (с.а.в.) ни кечиримли бўлишга буюриб шундай деган: **“Ўз аҳдларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик ва қалбларини бешафқат (меҳрсиз) қилиб қўйдик. Сўзларнинг ўринларини ўзгартирадилар, уларга эслатилган нарсадан бир (катта) қисмини унутдилар. Мана, улардан бир қисмигина мустасно, (қолганлари) хиёнат қиладиганини мудом кузатаяпсиз. Уларни афв этинг ва кечиринг! Албатта, Аллоҳ эзгулик (эҳсон) қилувчиларни севади”** (“Моида” сураси, 13-оят).

Эҳсонга олиб борадиган яна бир йўл – бу қурбонлик. Зулҳижжа ойида бажариладиган мазкур маросим ислом динининг муҳим шиорларидан саналади. Бу маросим орқали Аллоҳ таоло бандаларнинг такво ва ихлосларини яна бир бор синовдан ўтказди. Зеро, Аллоҳга қурбонлик қилинган жонлиқнинг гўшти ёки қони эмас, балки қурбонлик соҳибларининг холис нияти ва тақвоси етиб боради. Аллоҳ таоло фақат тақводорларнинг қурбонликларини қабул қилади: **“Аллоҳга (қурбонлик) гўштлири ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли – У зотни улуғлашларингиз учун – уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!”** (“Ҳаж” сураси, 37-оят). Оятда яхшилик қилувчилар, яъни муҳсинларга қурбонликларининг қабул бўлгани ва улкан савобларга эришганлари ҳақида башорат берилмоқда (*Abul Barakot Abdulloh Nasafiy, 2005:442*).

Абу Лайс Самарқандий (а.р.) мазкур оятни шундай тафсир қилади: “Ушбу оятда зикр қилинган амалларни бажарган инсон муҳсин саналади. Муҳсин – жонлиқнинг яхшиси ва айбсизини танлайдиган кимсадир!” (*Abu Lays Samarqandiy, 2006:396*)

Шубҳасиз, Қуръони карим бутун инсоният учун ҳидоят ва раҳмат қилиб нозил қилинган. Қуръон фақат ўқиш ва тиловат қилиш учун эмас, балки ундаги кўрсатмаларга амал қилиш учун туширилган. Қуръонга мувофиқ ҳаёт кечирган инсон Аллоҳнинг ҳидояти ва раҳматига эришади. Аммо Қуръоннинг ҳидояти ва раҳмати фақат муҳсинларга фойда беради, холос: **“Ушбулар ҳикматли Китоб оятларидир, эзгу амал қилувчилар учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи экани) жиҳатидан. Улар намозни баркамол адо этадилар, закотни (ўз жойига) берадилар ва охиратга аниқ ишонадилар”** (“Луқмон” сураси, 2-4-оятлар). Ушбу оятда муҳсинларнинг баъзи муҳим сифатлари баён қилинган. Қуръон намознинг фарзлигини тасдиқлаб, уни тўлиқ адо қиладиган, закотнинг фарзлигига имон келтириб, муҳтожларга садақа қиладиган ва охират куни – қилган амалларига ҳисоб бериш учун қайта тирилиш кунига ишониб яшайдиган муҳсинларга тўғри йўл кўрсатади, уларни Аллоҳнинг раҳмати сари етаклайди! Қуръон муҳсинлар учун тавфиқ, ҳимоя ва ёрдамдир! (*Abu Lays Samarqandiy, 2004:63*)

Тавҳид ва тақво эҳсоннинг муҳим шартларидан саналади. Муҳсин бўлиш учун тавҳиднинг ўзи кифоя қилмайди. Тавҳид тақво билан мужассам бўлсагина эҳсон вужудга келади: **“Ростликни келтирган зот (Муҳаммад) ва уни тасдиқ этганлар (мўминлар) – айнан ўшалар тақволи зотлардир. Улар учун Парвардигорлари ҳузурда (жаннатда)**

ҳоҳлаган нарсалари бордир. Бу эзгу иш қилувчи (муҳсин) кишиларнинг мукофотидир” (“Зумар” сураси, 33-34-оятлар) (*Abul Barakot Abdulloh Nasafiy, 2005:180*).

Имом Абу Мансур Мотуридий (а.р.) мазкур оятни шундай шарҳлаган: “Ушбу оятдаги Расулulloҳ (с.а.в.) олиб келган нарсдан мурод тавҳид эканига барча олимлар иттифоқ қилганлар. Оятдаги “чиройли амал қилувчилар – муҳсинлар” деганда Аллоҳнинг ягоналигини тасдиқлаган мўминлар назарда тутилган.

Ғазабни ичга ютиш эҳсон сари етаклайдиган олий фазилат саналади. Лекин эҳсон мақомига эришиш учун ғазабни босиш кифоя қилмайди, балки кечиришни ҳам билиш керак: **“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз! Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчи (муҳсин) ларни севар”** (“Оли Имрон” сураси, 133-134-оятлар).

Оятда ғазаб “ғойз” сўзи билан ифодаланган. Имом Мотуридий (а.р.) ғазаб ва ғойз орасидаги фарқни шундай ифодалайди: “Ғойз маҳзунлик ва ғазабнинг орасидаги ҳолатдир. Инсон ўзидан мартабаси баланд одамдан маҳзун бўлади, мартабаси паст одамга эса ғазаб қилади. Ғойз эса мазкур маҳзунлик ва ғазабнинг орасида юзага келади. Аллоҳ таоло маҳзунлик ва ғазабини ичига ютганларни мактаган” (*Abu Mansur Moturidiy, 2004:313*). Демак, ғазабни босиш деганда маҳзунликни яшириш ҳам тушиналади. Лекин ғазабни босиб, қалбда кек сақлаш эҳсон талабларига жавоб бермайди. Эҳсон мақомига эришиш учун инсонларнинг айб-нуқсонларини кечириш даркор. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деганлар: “Киши инсонлардан етган зулмни афв этса, Аллоҳ унинг азизлигини зиёда қилади”. Ушбу ҳадисда ҳам инсонлар зулмини афв этиш эҳсон экани айтилган (*Abu Mansur Moturidiy, 2004:313*).

Абу Лайс Самарқандий (а.р.)нинг таъкидлашича, эҳсон мақомига эришиш учун ғазабни босиб, афв қилишнинг ўзи кифоя қилмайди: “Оятдаги Аллоҳнинг севгисига сазовор бўлган муҳсинлардан мурод кечиргандан кейин ҳам эҳсон қилишда давом этадиганлар, эҳсонини янада зиёда қиладиганлардир” (*Abu Lays Samarqandiy, 2006:299*). Дарҳақиқат, ҳақиқий муҳсинлар зулмга йўлиққанларида ғазабалрини ичларига ютиб, инсонларнинг камчиликлари ва хатоларини афв қилиш билан чекланмай, уларга яхшилик ҳам қиладилар! Ҳасан Басрий (а.р.)нинг қуйидаги

сўзлари шу маънода айtilган: “Эҳсон ёмонлик қилганга яхшилик қилишдир” (*Abul Barakot Abdulloh Nasafiy, 2005:293*).

Ихлос эҳсоннинг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Олимлар кўпинча эҳсон билан ихлосни бир маънода қўллайдилар. Шубҳасиз, ихлос амалларнинг самара беришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис Аллоҳ таоло ихлосли муҳсинларни энг гўзал мўмин сифатида эътироф этган: **“Эзгу иш қилувчи ҳолида юзи (ўзини) Аллоҳга бўйин сундирган ва тўғри йўл (саналмиш) Иброҳим динига эргашган кишидан бошқа кимнинг дини чиройлидир?! Ваҳоланки, Аллоҳ Иброҳимни (Ўзига) дўст тутгандир”** (“Нисо” сураси, 125-оят). Оятдаги “ўзини топшириш”дан мурод Аллоҳга ихлос қилиш, фақат Уни ёлғиз илоҳ сифатида таниб, ҳолис Унинг розилиги учун амал қилиш, Унга таваккул қилишдир (*Abul Barakot Abdulloh Nasafiy, 2005:399*).

Имом Мотуридий (а.р.) мазкур оятни шундай шарҳлайди: “Оятдаги “ўзини топшириш” деганда банда барча ишларини динга мувофиқ бажариши назарда тутилган. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги сўзлари ҳам шу маънодадир: “Агар Абу Бакр Сиддик (р.а.)нинг имони барча умматимнинг имони билан бир тарозига қўйилса, Абу Бакр (р.а.)нинг имони оғир келади”.

Бошқа бир оятда қуйидагиларни ўқиш мумкин: **“Йўқ! Кимки муҳсин ҳолида юзини (ўзини) Аллоҳга бўйсундирса, Рабби ҳузурида унга ажр муҳайё. Уларга (охиратда) хавф йўқ ва улар (бирор нарса учун) ташвиш ҳам чекмайдилар”** (“Бақара” сураси, 112-оят). Эҳсон соҳиблари Аллоҳнинг ҳузуридаги ажр – жаннатга сазовор бўладилар! Улар учун на хатар ва на ғамгинлик бор!

Имоннинг ярмини шукр ташкил қилса, қолган ярми сабрдан иборат. Зеро, ҳар бир ибодат ва амалнинг замирида сабр ётади. Аллоҳнинг буйруқларини бажариш, қайтарганларидан тийилиш ва мусибатларга бардош бериш сабрсиз амалга ошмайди. Олимларнинг таъкидлашича, сабрнинг энг олий мақоми Аллоҳнинг буйруқларини бажаришда сабр қилишдир. Шубҳасиз, сабр эҳсоннинг энг улғу соҳаси саналади. Зеро, фарз ва суннатларни сабр билан бажариш муҳсинларга хос хусусият эканини Аллоҳ таоло шундай ифодалаган: **“Куннинг ҳар икки тарафида (яъни, эртаю кеч) ва туннинг бир бўлагиди намоз ўқинг! Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказди. Бу ёд этувчилар учун ёдномадир. Сабр қилинг! Бас, албатта, Аллоҳ эзгу иш қилувчилар мукофотини зое қилмағай”** (“Худ” сураси, 114-115-оятлар).

ХУЛОСА

Ушбу оятда муҳсинларнинг яна бир хусусияти зикр қилинган бўлиб, унда беш вақт намозни сабр билан адо қилиш ҳақида сўз бормоқда. Оятдаги “яхши амаллардан” мурод беш вақт намоздир. Дарҳақиқат, намоз нафақат фаҳш ва мункар ишлардан сақлайди, балки гуноҳларга ҳам каффорат бўлади. Имом Мотуридий (а.р.) бу борда шундай ҳадис ривоятини келтиради: “Бир киши бегона аёл билан барча қинғирликларни амалга оширди, лекин яқинлик қилмади. Сўнг қилган ишидан пушаймон бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келади ва У зотдан бу ҳақда сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Аллоҳ сен ҳақингда бирор нарса нозил қилмагунча ҳеч нарса дея олмайман”, дедилар. Шу орада намоз вақти кириб, барчалари бирга намозни адо қилдилар. Сўнг Жаброил (а.с.) юқоридаги оятни нозил қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) оятни мазкур кишига ўқиб бердилар. Шунда бу ҳодисага гувоҳ бўлиб турган Умар (р.а.): “Ё Расулуллоҳ (с.а.в.)! Бу фақат шу кишига хосми ёки барчага тааллуқлими?”, деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Барча инсонларга тааллуқлидир”, деб жавоб беридлар (Ибн Ҳиббон ва Термизий (а.р.)лар ривояти) (*Abu Mansur Moturidiy, 2004:558*). Абу Лайс Самарқандий (а.р.) оятдаги “Сабр қилинг!” жумласини “Беш вақт намозни тўлиқ адо қилинг ва улардан ҳеч бирини тарк қилманг”, деб шарҳлаган (*Abu Lays Samarqandiy, 2006:146*). Мазкур ҳадис гўё ҳозирги замон учун айtilгандек! Бегона ва номаҳрам аёллар билан никоҳсиз муносабатда бўлаётган инсонлар борлиги аини ҳақиқат. Айниқса, бу ҳолат ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аслида бу каби ишлар шариатимизда қораланади. Борди-ю банда хатолик ва жоҳиллик билан бундай ишларга қўл урган бўлса, уни каффорати бор. У ҳам бўлса, беш вақт намоз! Лекин гуноҳлардан тавба қилиш ва намозни сабр билан адо қилиш ҳамда ўзини маъсиятдан узоқ тутишда сабрли бўлиш шарт. Нафақа намоз, балки одамлар билан бўладиган муомалаларда ҳам сабр ва ихлос билан иш кўрмоқ зарур. Банда намозда Аллоҳ билан аҳдлашади, Унга тўғри ва ҳалол бўлиш ҳақида ваъдалар беради. Намоздан фориг бўлгандан сўнг ҳам шу ваъдаларни бажариш, инсонлар ва бутун мавжудотлар билан Аллоҳ рози бўладиган муомалада бўлиш керак.

Эҳсон борасидаги бу каби оятлар ва уларнинг шарҳларини узоқ давом эттириш мумкин. Лекин биз мазкур мавзуга оид айрим энг муҳим маълумотлар билан чекландик. Зеро, юқорида келтирилган фикрлар Қуръони каримда эҳсонга катта аҳамият қаратилганини англаш учун кифоя қилади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abu Abdulloh Muhammad Hakim Termiziy. Adab an-nafs. – Qohira: Dar al-misriya al-lublaniya, 1993.
2. Abu Abdulloh Qurtubiy. Al-jami' li ahkam al-Qur'an. J.10. – Qohira: Dar al-hadis, 2002.
3. Abu Homid Muhammad G'azzoliy. Ihyo ulum ad-din. J.4. – Qohira: Maktaba Misr, 1998.
4. Abu Lays Samarqandiy. Bahr al-ulum – Tafsir as-Samarqandiy. J.1. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2006.
5. Abu Lays Samarqandiy. Bahr al-ulum – Tafsir as-Samarqandiy. J.2. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2006.
6. Abu Lays Samarqandiy. Bahr al-ulum – Tafsir as-Samarqandiy. J.3. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2006. – B. 18; Abu Mansur Moturidiy. Ta'vilot Ahl as-sunna. J.4. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 2004.
7. Abu Mansur Moturidiy. Ta'vilot Ahl as-sunna. J.1. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 2004.
8. Abu Mansur Moturidiy. Ta'vilot Ahl as-sunna. J.2. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 2004.
9. Abu Mansur Moturidiy. Ta'vilot Ahl as-sunna. J.5. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 2004.
10. Abul Baqo Ya'qub ibn Muso Husayniy. Al-kulliyot – mu'jam fi al-mustalahot va al-furuq al-lug'aviya. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 1993.
11. Abul Barakot Abdulloh Nasafiy. Madorik at-Tanzil va haqiqat at-ta'vil – Tafsir an-Nasafiy. J.1. – Damashq: Dar al-kalim at-tayyib, 2005.
12. Abul Barakot Abdulloh Nasafiy. Madorik at-Tanzil va haqiqat at-ta'vil – Tafsir an-Nasafiy. J.2. – Damashq: Dar al-kalim at-tayyib, 2005.
13. Abul Barakot Abdulloh Nasafiy. Madorik at-Tanzil va haqiqat at-ta'vil – Tafsir an-Nasafiy. J.3. – Damashq: Dar al-kalim at-tayyib, 2005.
14. Alloma Rog'ib Asfahoni. Mu'jam mufradot al-faz al-Qur'an. – Damashq: Dar al-qalam, 2002.
15. Doktor Musfir ibn Sa'id G'omidiy / Ehson: ahamiyatuhu, aqsamuhu, samarotuhu / Majalla al-Buhus al-islamiya, №58.
16. Faxruddin Roziy. At-tafsir al-kabir – Mafatiyh al-g'ayb. J.20. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2000.
17. Hofiz Shayx Abdulavval. Al-mantuh li ma'rifat al-furuq. – Toshkent: G.Ya. Yakovlev, 1915. – B. 33; Ibn Hajar Asqaloni. Fath al-bariy – Sharh Sahih al-Buxoriy. J.1. – Dar as-salom, 2000.
18. Ibn Hajar Asqaloni. Fath al-bariy – Sharh Sahih al-Buxoriy. J.1. – Dar as-salom, 2000.
19. Ibn Manzur. Lisan al-arab. J.1. – Bayrut: Dar sodir, 1997.
20. Ibn Manzur. Lisan al-arab. J.2. – Bayrut: Dar sodir, 1997.
21. Isomuddin Ismoil Hanafiy. Hoshiya al-Qunaviy 'ala Tafsir al-Bayzovi. J.11. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2001.
22. Majduddin Feruzobodiy. Al-qomus al-muhit. J.4. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 2009.
23. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Al-adab al-mufrad. – Damashq: Dar al-qalam, 2001.
24. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Sahih al-Buxoriy. – Damashq: Dar al-fayho, 1999.
25. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Tarjimon: Shayx Abdulaziz Mansur. Sahih Buxoriy. J.1. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.
26. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Tarjimon: Shayx Abdulaziz Mansur. Sahih Buxoriy. J.2. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.
27. Muslim ibn Hajjo. Sahih Muslim. "Ov, so'yiladigan jonliqlar va go'shti yeyiladigan hayvonlar" kitobi, 11-bob, 57 (1955)-hadis. J.3. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 1998.
28. Muslim ibn Hajjo. Sahih Muslim. Birr va sila hamda odob kitobi, 10-bob, 2564-hadis. – Bayrut: Dar al-ma'rifa, 2005.
29. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Hadis va hayot: Islom va iymon. J.2. – Toshkent: Sharq, 2008.
30. Shayx Muhammad Tohir Ibn Ashuro. Tafsir at-tahrir va at-tanvir. J.13. – Bayrut: Muassasa at-tarix, 2000.
31. Usmon Pozoriy. Sharh Ta'lim al-muta'allim. – Istambul: Hoji Husayn Afandi nashriyoti – O'zXIA Manbalar xazinasini, № 584-toshbosma asar (yili ko'rsatilmagan).
32. Abu Iso Muhammad Termiziy. Jomi' at-Tirmiziy. Birr va sila boblari. 63-bob. 2006. – Ar-Riyod: Dar as-salom, 1999.